КИЧИК МАКТАБ ЁШИДАГИ ЎҚУВЧИЛАР ПСИХИК РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

М.В.Ҳалимова

В статье освящены особенности психического развития детей младшего школьного возраста, и обоснована необходимость учета данных особенностей в процессе воспитания.

The features of mental development of children of younger school age are consecrated, and the necessity of taking into consideration of the given features in the course of education is proved in this article.

Баркамол инсон деганда, ўзида ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий хислатлар мажмуини мужассамлаштирган, жамиятда ўзлигини ва ўз қобилиятини ҳар томонлама намоён эта оладиган, маърифатли, дунёвий билимларни мукаммал эгаллаган, ақлан етук, ахлоқан пок, жисмонан соғлом, ҳаёт гўзаклликларини ҳис эта оладиган эркин ижодкор шахс тушунилади.

Кичик мактаб ёши даврига 6-10 ёшли бошланғич (I-IV) синфларнинг ўқувчилари киради. Бола мактаб таълимига боғчада тарбияланаётганида тайёрланади. Бунда у мактабда ўқувчиларга қўйиладиган ҳар хил талаблар билан танишади, фан асосларини ўрганиш учун биологик ва психологик жиҳатдан тайёр бўлади.

Таълимга психологик тайёрлик деганда, боланинг объектив ва субъектив жиҳатдан мактаб талабига муносиблиги назарда тутилади. У мактаб таълимига аввал психологик жиҳатдан тайёрланади, бинобарин, унинг психикаси билим олишга етарли даражада ривожланади. Шу ёшдаги бола идрокининг ўткирлиги, равшанлиги, софлиги, аниқлиги, ўзининг қизиқувчанлиги, дилкашлиги, хайрихоҳлиги, ишонувчанлиги, хаёлининг ёрқинлиги, хотирасининг кучлилиги, тафаккурининг яққоллиги билан бошқа ёшдаги болалардан ажралиб туради. Мактаб таълимига тайёрланаётган болада диққат нисбатан узоқ муддатли ва шартли барқарор бўлади. Бола диққатининг хусусиятлари ролли ва сюжетли ўйинларда, расм чизиш ва қуриш-ясаш машғулотларида, лой ҳамда пластилиндан ўйинчоқлар тайёрлашда, ўзгалар нутқини идрок қилиш ва тушунишда, математик амалларни ечишда, ҳикоя тинглаш ва тузишда кўринади. Бола ўз диққатини муайян объектга йўналтириш, тўплаш, тақсимлаш бўйича маълум даражада кўникмага эга бўлиб, ўз диққатини бошқариш ва керакли пайтда тўплашга интилади. Унинг хотираси қизиқарли, ажойиб-ғаройиб, кишини таажжубга соладиган маълумот ва ҳодисаларни пухта эсда олиб қолиш, эсда сақлаш, эсга тушириш имкониятига эга бўлади. Шу даврга бевосита катталар раҳбарлигида у ёки бу ахборотларни ўзлаштириб келган бўлса, ўз хоҳиш-иродаси билан зарур маълумотлар тўплашга, ўз олдига аниқ мақсад ва вазифа қўйишга ҳаракат қилади. Боланинг ана шу фаоллиги хотирасининг муайян даражада ривожланганини билдиради. У шеър, ҳикоя ва эртакларни эсда сақлаб қолиш учун кўп такрорлаши керак, шунинг учун ўқитувчи ёд олдиришнинг энг қулай йўл ва усулларидан фойдаланиши зарур. Биринчи синф ўқувчиси кўпинча яққол образли хотирага суяниб билиш фаолиятини ташкил этса ҳам, бу иш хотиранинг бошқа турларини инкор қилмайди, аксинча, таълим сўз-мантиқ хотирасини тақозо этади. Сўз-мантиқ хотирасининг мавжудлиги маънони тушуниб эсда олиб қолиш жараёнининг самарадорлиги ортишига кенг имконият яратади. Тажрибадан маълумки, бола маъносиз сўзлардан кўра маънодор тушунчаларни бирмунча тез ва мустаҳкам эслаб қолиш хусусиятига эга [3]. Унинг нутқи мактаб таълимига тайёргарлик босқичида катталар билан мулоқотга киришиш, кишиларнинг фикрини уқиб олиш ва тўғри идрок қилиш даражасида, нутқининг тузилиши эса, грамматика қоидаларига мос, мантиқан изчил, ифодали, миқдор ва кўлам жиҳатдан фикр алмашишга етарли бўлади. У эшитган ва кўрганлари тўғрисидаги маълумотларни тушуна олади. Ўзидаги ахборотларни муайян тартибда баён қила билади, ақлий фаолият операцияларидан ўринли фойдаланади (уларни таққослайди, ойдинлаштиради, гуруҳларга ажратади, умумлаштиради, ҳукм ва хулоса чиқаришга ҳаракат қилади) [3].

Йирик психологларнинг тадқиқотлари оқилона ташкил қилинган таълим жараёни мазкур ёшдаги болаларнинг тафаккурини жадал ривожлантиришини кўрсатади. Масалан, улар лингвистика, физика, математикага доир илмий тушунчаларни ўзлаштирадилар, соддароқ масалалар тузадилар, енгилроқ машқларни бажара оладилар, ижодий ва маҳсулдор фикр юритишга интиладилар.

Олти ёшли боланинг психик тайёрлиги тўғрисида гапирилганида, кўпинча муайян режа асосида, тартибли, кўп қиррали мақсадга йўналтирилган, ўзаро мантиқий боғлиқ, изчил бошланғич таълимга замин вазифасини ўтовчи психик ўсиш даражасини назарда тутамиз. Шунингдек, таълим учун психик ўсиш даражасидан ташқари, бола турмуши ва фаолиятининг тафовутлари, шароитлари, ўзига хослиги, унинг сиҳат-саломатлиги, усулий жиҳатдан тайёргарлиги, оддий кўникмаларни ўзлаштиргани каби омилларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Юқорида айтилганларнинг ҳаммаси боланинг мактаб таълимига психологик жиҳатдан тайёрлигининг объектив томонларини ифодалайди. Бола мактаб таълимига психологик тайёрланишининг субъектив томони ҳам мавжуддир. Унинг мактабда ўқиш хоҳиши, интилиши, катта ёшдаги одамлар билан мулоқотга киришиш истаги мазкур тайёргарлик билан узвий боғлиқдир. Болада шу даврга келиб ўқиш, билим олиш ҳақида тўғри тасаввур шаклланади. У мактаб жамоаси аъзоларининг масъулиятли вазифаларини англайди ва уларга итоат қилиш-

га, уларнинг кўрсатмаларини бажаришга мойил бўлади. Лекин болалар ҳаммаси бир хил эмаслиги сабабли улар ўртасида муҳим фарқлар вужудга келади. Баъзи бола мактабга бутун вужуди билан талпинади, ўқишга қанча вақт қолганини узлуксиз санайди, ўқув ашёларини олдинроқ тайёрлаб қўйишга ҳаракат қилади. Бошқа бир бола эса мактабдан қатъий воз кечишгача бориб етади. Ўқишга салбий муносабат кўпинча катталарнинг қўрқитишлари оқибатида вужудга келади. Шунингдек, ака ва опаларининг мактабдаги қийин кечинма ва вазиятлар тўғрисидаги гаплари, уйда болаларни кўпроқ дарс тайёрлашга мажбур қилиш ҳам ўқишга салбий муносабат уйғотади. Ўқишга салбий муносабатдаги болалар таълим муҳитига киришишга қийналадилар, қатор руҳий тўсиқларга дуч келадилар.

Мактабда таълим-тарбия ишларини ташкил қилишда кичик мактаб ёшидаги болаларнинг анатомик-физиологик хусусиятлари, жисмоний камолот даражасини ҳисобга олиш муваффақият гаровидир.

Бошланғич синф ўқувчиси биологик-жиҳатдан нисбатан уйғун ўсади, унинг бўйи ва оғирлиги, ўпкасининг ҳажми мутаносиб ривожланади. Бироқ боланинг суяклари (кўкрак қафаси, тос, қўл суяклари), умуртқа поғонасида ҳали тоғайсимон тўқималар учрайди, бу эса унинг суяк тизими такомиллашиб бўлмаганини кўрсатади. Юрак мускуллари тез ўсади, қон томирларининг диаметри сал каттароқ бўлади, миянинг оғирлиги бошланғич синфларда 1250-1400 граммни ташкил этади. Мия пўстининг аналитик-синтетик фаолияти такомиллашади, қўзғалиш билан тормозланиш ўртасидаги муносабат ўзгаради, лекин қўзғалиш нисбатан устунликка эга бўлади. Шунинг учун боланинг тўғри ўсишига ғамхўрлик қилиш, толиқишининг олдини олиш, ўқиш ва дам олиш режимига қатъий риоя этиш зарур.

Мактаб таълими ўқувчининг турмуш тарзини, ижтимоий мавқеини, синф жамоаси ва оила муҳитидаги аҳволини ўзгартиради, унинг асосий вазифаси ўқишдан, билим олиш, кўникма ва малакаларни эгаллаш, табиат ва жамият тўғрисидаги қонуниятларни ўзлаштиришдан иборат бўлиб қолади. Таълим муайян даражада уюшқоқ интилиш, иродавий зўр бериш, фаоллик ва мақсадга мувофиқ фаолиятни талаб қилади. Ихтиёрсиз хатти-ҳаракат ўрнини англашилган, режали, ақлий меҳнат эгаллай бошлайди. Ўқувчи доимо тенгдошлари билан бирга муайян синф жамоасида бўлади. Демак, унинг олдида ҳамма вақт синф жамоасининг манфаатини ҳимоя қилиш, шахсий истакларини умумжамоа йиғилишига бўйсундириш, ўзаро ёрдам, ўзаро талабчанлик, ижтимоий жавобгарлик ва бурч ҳисларини эгаллаш вазифаси туради. Таълим жараёнида эса ўқувчи олдига қўйиладиган талаблар тобора кўпайиб ва мураккаблашиб бораверади.

Ўқишнинг дастлабки куниданоқ кичик мактаб ёшидаги боланинг ўсишини ҳаракатга келтирадиган турли зиддият, қарама-қаршиликлар, ички ихтилофлар вужудга келади. Ана шулар замирида боладаги психик камолотнинг даражаси ва ижобий хислатлар билан талаблар ўртасидаги қарама-қаршиликлар ётади. Талабларнинг тобора ортиши боланинг психик жиҳатдан тўхтовсиз ўсишини тақозо этади ва шу берк занжирнинг узлуксиз ҳаракати натижасида инсоннинг камолоти амалга ошади.

Кичик мактаб ёшидаги боланинг муҳим хусусиятларидан бири унда ўзига хос эҳтиёжлар мавжудлигидир. Бу эҳтиёжлар ўз моҳияти билан муайян билим, кўникма ва малакаларни эгаллашга, теварак-атрофдаги воқеликни ўзлаштиришга қаратилмай, балки фақат ўқувчилик истагини акс эттиришдан иборатдир. Бу эҳтиёжлар заминида ўз портфелига, дарс тайёрлаш бурчагига, китоб қўйиш жавонига эга бўлиш истаги, катталардек ҳар куни мактабга қатнаш туйғуси ётади, холос. Бундан ташқари, билимлар кунидаги шодиёна айём, ўқувчилик сафига қабул пайти, мактаб маъмурияти ва ўқитувчиларнинг унга билдирган самимий тилаклари, юқори синф ўқувчиларининг табриклари боланинг ҳис-туйғусига ижобий таъсир этади [5]. Синфдаги ўртоқлари билан қаторлашиб саф тортиб юришлар, биргалашиб ўйнаш, ошхонага бориш, ўқитувчининг ўгитлари ҳам болани ўзига ром этади. Умуман, кичик мактаб ёшидаги бола ўқишнинг туб моҳияти ва вазифасини тушуниб етмайди, балки ҳамма мактабга бориши керак деб тушунади. Аммо у катталарнинг кўрсатмаларига амал қилиб, тиришқоқлик билан машғулотларга киришиб кетади.

Орадан маълум вақт ўтгач, шодиёна лаҳзаларнинг таассуроти камайиши билан мактабнинг ташқи белгилари ўз аҳамиятини йўқота боради ва ўқишнинг кундалик ақлий меҳнат (иродавий зўр бериш, ёқтирмаган нарса билан шуғулланиш, диққатни тақсимлаш, ўз хулқини идора қилиш) эканлигини англайди. Шундай ақлий меҳнат кўникмасига эга бўлмаса, унинг ўқишдан кўнгли совийди, унда умидсизлик ҳисси вужудга келади. Ўқитувчи эса бундай ҳолнинг олдини олиш учун болага таълимнинг ўйиндан фарқи, қизиқарлилиги ҳақида маълумотлар бериши ва уни шу фаолиятга тайёрлаши керак.

Биринчи синф ўқувчисида ўқиш фаолиятининг айнан ўзига қизиқиш кўзга ташланади. Махсус тадқиқотларда болалар билан кераксиз машқлар ўтказилган ва бу машқлар кейинчалик керак бўлмаслиги уларга олдиндан айтилган, лекин болалар уларни бажонидил бажаришга киришганлар [6]. Ўқувчи шахсий фаолиятда эришган дастлабки яхши натижа уни бошқа натижаларни эгаллашга ундайди. Унинг ўқиш фаолиятидаги биринчи меҳнат маҳсули шодлик ва қувонч ҳис-туйғусини келтириб чиқаради. Масалан, айрим ўқувчилар у ёки бу матнни бир неча марта ўқишга ҳаракат қилади. Ўқиш фаолиятига қизиқиш, унинг мазмунига ҳам қизиқишни вужудга келтиради, билим олиш эҳтиёжини туғдиради ва ўқиш мотивларини таркиб топтиради.

Таълимнинг мазмунига, билимни эгаллашга қизиқиш ўқувчининг ўз ақлий меҳнати натижасидан қаноатланиш ҳисси билан узвий боғлиқдир. Бу ҳис ўқитувчининг рағбатлантириши билан намоён бўлади ва ўқувчида самаралироқ ишлаш майли, истаги, иштиёқини шакллантиради. Болада пайдо бўлган фаоллик ўз кучига ишонч ҳислари билимларни ўзлаштириш ва малакаларни мустаҳкамлаш учун хизмат қилади. Рағбатлантириш ва жазолаш меъёрида бўлсагина уларнинг тарбиявий таъсири ортади.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар фаолиятини баҳолаш унда ўқишга ижобий муносабатни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эгадир. Маълумки, мактабларда болаларни оғзаки баҳолаш

одат тусига кириб қолган, чунки биринчи синф ўқувчиси баҳо таъсирида ўз фаолиятини кучайтиради, ижодий изланишга ҳаракат қилади. Ўқувчи дастлабки пайтларда яхши ёки ёмон баҳонинг фарқига ҳам бормайди, уни кўпроқ нечта баҳо олгани қизиқтиради. Ўқитувчининг рағбатлантириши унинг учун энг муҳим роль ўйнайди.

Кўпчилик мутахассис олимлар кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларни баҳолаш салбий оқибатларга олиб келади деб ҳисобламоқдалар. Маълумки, фақат баҳо учунлиги билимнинг ижтимоий аҳамиятини пасайтириши мумкин. Шунга кўра, билимни текширишнинг бошқа усулларини топиш ҳамда қўллаш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Негаки, баҳолашнинг бола камолоти учун аҳамиятини мутлақо инкор қилиш ҳам тўғри эмас. Баҳодан маслаҳат, йўлланма, тавсия, кўрсатма сифатида фойдаланиш маъқул [2].

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг муҳим хусусиятларидан бири улардаги ўқитувчи шахсига ишонч ҳисси ва юксак эҳтиромдир. Шунинг учун ҳам ўқитувчининг болага тарбиявий таъсир кўрсатиш имконияти жуда каттадир. Бола ўқитувчини ақлу идрок соҳиби, тийрак, сезгир, меҳрибон, ҳатто, донишманд инсон деб билади. Ўқитувчи сиймосида ўзининг эзгу нияти, орзу-истаги, ажойиб ҳис-туйғуларини рўёбга чиқарувчи мўътабар шахсни кўради. Ўқитувчининг обрўси олдида ота-оналар, оиланинг бошқа аъзолари, қариндош-уруғлар, таниш-билишларининг нуфузи кескин пасаяди. Шу сабабли болалар ўқитувчининг ҳар бир сўзини қонун сифатида қабул қиладилар.

Бола психик жиҳатдан ўсиши натижасида унинг ўқитувчи мавқеига муносабати ўзгаради, чунки унда онгли хатти-ҳаракат эҳтиёжи туғилади. Ўқувчида бир талай муаммолар, саволлар вужудга келади. У ҳаётда ҳамма нарса ўзи ўйлагандек осон эмаслигини тушуна бошлайди. Мазкур саволларга шахсан ўзи жавоб топишга интилади, шу саволларни бошқа одамларга ҳам беради.

Таълим жараёнида ўқитувчи ўзининг обрўсидан оқилона, одилона ва омилкорлик билан фойдаланиб, ўқувчиларда уюшқоқлиқ, меҳнатсеварлиқ, ўқишга ижобий муносабат, ўз диққатини бошқариш, хулқини идора этиш, ўзини тута билиш, қийинчиликларни енгиш каби фазилатларни шакллантириши лозим. Бунинг учун ҳар томонлама таъсир кўрсатиш усулини қўллаши керак.

Адабиётлар:

1.Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси.- Т., 1994
2.Абрамова Г.С. Практикум по возрастной психологии. – М., 1998
3.Аномальные дети: Хрестоматия по специальной педагогике и психологии. Ч. 1. Сост.: Б.П. Брунов, В.И. Петроченко.- Красноярск, 2004
4.Ануфриев А.Ф., Костромина С.Н. Как преодолеть трудности в обучении детей. Психодиагностические таблицы. Психодиагностические методики. Коррекционные упражнения. 3-е изд., перераб. и доп.– М., 2000.
5.Астапов В.М. Введение в дефектологию с основами нейро- и патопсихологии.- М., 1994
6.Бадалян Л.О. Детская неврология.- М., 1984
7.Балашова Е.Ю., Корсакова Н.К., Микадзе Ю.В. Неуспевающие дети.- М.,1997
8.Баркли, Рассел А. Ваш непослушный ребенок.- СПб.: Питер, 2004
9.Боришевский М.И. Психологические условия формирования самоконтроля в поведении младших школьников: Автореф.дис. … канд.психол.наук.- М., 1966
10.Бурменская Г.В., Лидерс А.Н., Карабанова О.В. Возрастно-психологическое консультирование.- М., 1990.

Андижон давлат университети
2010 йил 22декабрда қабул қилинган.
(Тақризчи: проф. Т.Х.Ҳасанов)